Tarix va ibrat

Буюк аждодларимиз



Туркистонда XX аср бошида шаклланган жадидчилик ҳаракатининг йирик ва толмас намояндаларидан бири Исҳоқхон Ибрат водийда илк кутубхона ва матбаага асос солган, янги усул мактаблари ҳамда уларга дарслик чоп этишга бош бўлган.

ТАРИХ ВА ИБРАТ



Дono ЗИЁЕВА,
Тарих институти бўлим бошлиғи, тарих фанлари доктори, профессор

"Фарғона тарихи", "Маданият тарихи" асарлари муаллифи бўлмиш улуғ бобомизнинг тарихчи сифатидаги қарашлари, билимлари кўпчилигида қизиқиш уйғотиши турган гап.

Ибратнинг тарихий асарлари Қўқон хонлиги тарихчилик мактаби анъаналарининг мустамлакачилик шароитидаги ўзига хос давоми, янги босқичи сифатида намоён бўлган. Негаки, 1876 йили Қўқон хонлиги тугатилгандан сўнг Туркистонда қуюм сурган мустамлакачи тузум шароитида хонликнинг сўнгги йилларидаги тарихига нисбатан ошкора танқидий қарашлар дадил илгари сурила бошлади. Айниқса, Худоёрхон давридаги мураккаб ва зиддиятли сиёсий жараёнларга, ташқи душманга қарши жангларни, мактубият сабабларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ибрат ўз асарларида тарихий жараёнларни холисона ёндашув, анъанавий тарихчиликка хос нақл ва наср уйғунлиги, гўзал ифодалар, кенг мушоҳадалар асосида баён этиш санъатини намоён қилди. Бунда унинг кенг дунёқараши, Шарқ ва Ғарб мамлакатларига узоқ сафарларида орттирган тажрибаси, эгаллаган диний ва дунёвий билимлари, қийсий тахлиллари, бой ички маданияти муҳим роль ўйнади.

Тарихчи Ибратга бутунги тарихчи олимлар ҳам ҳавас қилсалар, ундан ўргансалар арзийди. У ўз тили, шунингдек, араб, форс, инглиз-урду тилларини мукаммал эгаллашдан ташқари, рус, француз, инглиз тилларини, энг қадимий финикия, яҳудий, суриёний, юнон ёзувларини биларди. Бундай кўламдаги кўптилли тарихчи олим бугунги Ўзбекистонда топилмаса керак. Хуллас, ўзбек миллати ва давлатчилиги ўтмишини астойдил ўрганаман деган ҳар қандай мутахассис, аввало, қатор шарқ ва ғарб тилларини билиши керак. Демак, Ибрат энглиги тарихчилар авлоди учун катта ибратдир.

Буюк бобомизнинг тарихчилигидан муддао бориладиган қирралари хозир сояни қийнаб келаётган бош савол: та ўзига хос жавобдир, деб ишонамиз: "...Тарихни ёзмоқдин мақсад иккори кунар ёки мусанниф қиторига кирмак ёки таъмаи тирилик йўлидан бўлмай, балки бани башарни(нг) тирилик қилиш, саноат ва зироатлари, маданияти ва бадииятларини халқларга кўрсатмакдур... Биздан кейин келадурғанлар ўтганларни(нг) турмуш ва кечмуш ва билмуш ишларидан ибрат олсун. Ўз замони билан ўтган замонни тороз қилиб, вазнини билсун учун ва ҳам илми тарих бир илми таърифдур".

Ўтмишни ўрганишга катта масъулият билан ёндашган аллома тарихий воқеалар, ҳукмдорларни холис баҳолашга алоҳида эътибор беради. Хусусан, "Тарихи Фарғона" асарида Қўқон хонлигида Муҳаммад Алихон ҳукмронлик қилган даврда (1842 йилда) Бухоро амири Насруллохоннинг Қўқонга ҳужуми, шаҳарни талаб, халқни хонавайрон қилгани, бунга шоира, мутафаккир, давлат арбоби Нодирабегимнинг фожиали қисмати, унинг нораснда набираларининг амир Насруллох томонидан ўлдирилиши воқеасини замондошлар хотираларига асосида баён қилар экан, унга нисбатан нафратини яширо олмайди.

Мазкур воқеалар баёнида ўша давр шоирларининг бу мудҳиш воқеага бағишланган асарларни, марсияларидан намуналар келтириш орқали мазкур ҳодисаларга нисбатан замондошлар муносабатини ҳам очиб беради.

Ибрат Қўқон хони Умархоннинг шоирлик иқтидорига юқори баҳо беради, уни одил хон сифатида таъриф-лайди. Умархон даврида илм-фан, маданият ва адабиёт-санъат, саройда иқод қилган Фазлий Намангоний, Султонхон тўра Адо, Хеклик, Афсус, Гўпхоний, Махмур, Хавас, Ғозий, Нодир каби шоирлар ҳақида қимматли маълумотлар беради.

"Тарихи Фарғона"да Қўқон хонлигида ҳукмронлик қилган хонлар фаолиятига имкон қадар даврий изчиллиқда тўхталиб ўтишга ҳаракат қилинган. Хусусан, Ибрат Қўқон хонлигининг сўнгги ҳукмдори Худоёрхон фаолиятини тўрт босқичга бўлиб, дастлаб унинг тахтга келиши тарихи, амалга оширган ижобий ишлари, кейин эса Россия империяси истилоси давридаги йўл қўйган хатолари, истилонинг фожиали оқибатларини ёритади.

Ўз асарида муаллиф географик маълумотларга ҳам алоҳида эътибор қаратади. Фарғона водийси, ундаги шаҳар ва қишлоқлар табиати, уларни ўраб турган кўҳна давлатлар, тоғлар, ўтказадан оқиб ўтадиган дарёлар, ирмоқ, ирмоқ, ариқлар, қайсиноат дунёси, водийда жойлашган хатлолар, қумарамончилик, зироатчилик, саводсотиқ ишлари, ер ости қазилма бойликларига атрофлича тўхталиб ўтади. Масалан, Чуст шаҳрининг географик жойлашуви, кўчалари, табиати, сукориш тизими, бозорчилиги, жомлари, қумарамончилиги, саводсотиғи, саноати, дўппилари, пичоқларига таъриф-лайди.

Асарда Қўқон, Наманган, Марғилон, Андижон шаҳарлари тарихи, улар номларининг маъноси, жойлашуви, топографияси ва топонимикаси, кечиб чиққан тарихи, мақолларидан, табиати, зиёратгоҳлари, рўй берган табиий офатлари ҳақида қизиқарли маълумотлар келтиради.

Ибрат ўша даврдаёқ Фарғонанинг энг қадимги тарихи Кубога (Қува) боғлиқ тақдирлашини, Аксимант унинг қадимги пойтахти бўлганини кўрсатиб ўтади. Унинг кейи этишича, "Мусулмонлар асрида Марғинонинг пойтахти Ёрмозор бўлиб, Наманганнинг пойтахти Тўрақўрғон, Андижоннинг пойтахти Асака" бўлган. Унинг Фарғона водийси шаҳарлари хусусидаги кўп фикрлари бугунги кунда археологик тадқиқотлар давомида ўз тасдиғини топмоқда.

Ибрат ўз асарида водий аҳолисининг машғулотлари ҳақида ҳам маълумотлар беради. Унинг таъкидлашича, "Фарғона бир мамлакати қадим ва аҳолийи нодим ўлиб, ... қар санада неча минг сўмлик маҳсулот ифак, атлас ва адрас ва бекасаб ва шоҳи атроф-ва-нофга тороломоқда эди. Бухородан то Ҳиндистон ва Арабистонгача бу Фарғона ашёлари жорий эди. Бу Фарғона аҳлида бир хил калималари бўлурки, исмини ҳидер шоҳи дерлар. Қиймат-да, рангда, маҳсамликда ва тозаликда Кошғару кичкоий, қирғизий ва қорақалпоқий калималардан икки чанд баҳода сотилур".

Асарда бошқа шаҳар ва қишлоқлар ҳақида ҳам қизиқарли этнографик ва географик маълумотлар берилади. Ушбу асарнинг тили содда, ўша давр адабий тил меъёрларига тўла риоя қилинган ҳолда яратилган бўлиб, услуби жиҳатидан Завқийдан Бобурнинг "Бобурнома" асарига ўхшаб кетар эди.

Ибратнинг адабиёт фаолиятида маърифатпарварлик масалаларини билан бир қаторда замонавий ва тарихий воқеаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Унинг мақолий матбуот саҳифаларида чоп этилган мақолаларида кўпроқ Аксимант тарихи ("Фарғона вилоятидаги кўҳна шаҳар — Аксимант тарихи"), эски мактаблар фаолияти ("Эски мактаблар хусусида"), Тошкентга сафар таассуротлари ("Тошкент сафаридаги маълумотларим"), Қўқон-Наманган темир йўлининг очилиши билан боғлиқ тафсилотлар, мақолий лавозимларга сайловлар ("Наманганда мақолий лавозимларга ўтказилган сайловлар хусусида") каби масалаларга тўхталади.

Ибратнинг ушбу мақолаларида нафақат тарихий, балки ўз замонасининг ижтимоий-иқтисодий муаммолари ҳам кўтарилган. Хусусан, иқтисодий лавозимига 1910 йили ўтказилган сайлов муносабати билан Ибрат ўз мақолаларида ўқори, пораҳўр, зўравон шахслар қўли ёки мантиқ-ши бўлиб олишларига кенг йўл очиб берган мустамлака қонун-қоидаларини кескин ва дадил танқид қилади. "Қари" деб номланган шеърида эса мустамлака тузуми асоратлари, адолатсиз солиқ, сиёсати, қимматчилик, очарчилик туфайли бердошк қурган халқнинг сиқи аҳволи, ўлка пахта хомашёси базасига айлантирилган шароитда пахта танқислиги камайтирилиши, деҳқонларнинг қизғалдоқзорларини ҳам сотишга мажбур бўлганлари ўз ифодасини топган.

Ибратнинг тарихий билимлари унинг "Жомеъ ул-луғот" ("Ёзувлар йиғиндиси" асарида янада кенг намоён бўлган эди. Ёзув тарихига бағишланган ушбу асарда энг қадимги миҳхат пайдо бўлганидан XX аср бошларигача бўлган 40 дан ортиқ хат ва ёзув тури ҳақида изчил маълумотлар берилган. Асарда дунёнинг турли мамлакатларида юзага келган ёзувлар, уларнинг хусусиятлари, тарихи ҳақида берилган маълумотлар Ибратнинг нафақат ўз вақти, балки жаҳон тарихи ҳамда маданиятидан ҳам яхши хабардор бўлганидан далолат беради. Ибрат бу ёзувларнинг нафақат тарихи, балки уларни ёзиш санъатидан ҳам хабардор бўлиб, хаттот сифатида катта тажрибага эга эди.

Исҳоқхон Ибрат ўз даврининг етук маърифатпарвар инсон сифатида ўзбек тилшунослиги, тарихи, маданияти, маънавий меросида чуқур из қолдирган алломаларидан бири эди. Унинг тарих фани олдидаги хизматлари ҳам эътироф ва эътиборга лойиқ. Аммо бир умр миллатга ва илм-маърифатга хизмат қилган бу аллома совет даври қатағонларининг қурбони бўлди.

Сўнгги йилларда Исҳоқхон Ибратнинг миллатимиз ва давлатимиз учун қилган беминнат ва тенгсиз хизмати юзага чиқди. Жонкуяр аллома туғилиб ўсган ва фаолият кўрсатган юртда бунёд этилган боғ, чат тепаларни ўрганишга ихтисослашган мактаб-интернат, ўрнатилган ҳайкал, чоп этилган асарлари улуғ аждодимизнинг илмий-маънавий меросини ҳамда хотирасини янада

